

**ЗАРНИГОР ЖАББОРОВА**

*Мен ўзбек қизиман*

(Шеърлар)

МАЖБУРИЙ НУСХА

ТОШКЕНТ  
«ИСТИҚЛОЛ»  
2013

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

Ж-13

-93б. ароқ.

87(5Ў)7

Ж-13

Жабборова, Зарнигор.

Мен ўзбек қизиман: шеърлар / З.Жабборова –


Тошкент: Istiqlol, 2013. – 16 б.

Самарқандлик ҳаваскор шоира Зарнигор Жабборованинг китобхонларга тақдим этилаётган илк шеърий тўпламига унинг ёшлик, она-Ватан, баҳорга бағишиланган ижод намуналари киритилган.

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

10 41281  
Dg  
01



© «Istiqlol nashriyoti», 2013



## ЙҮЛИНГ ОЙДИН БҮЛСИН!

Ёш истеъдод эгаси Зарнигор **ЖАББОРОВА** Тайлөк туманидаги 31-мактабнинг 9-синф ўқувчиси. Таълим масканидаги аълочилар сафида унинг ўз ўрни бор. Синфдошлари, мактабдошлариям Зарнигорни табиат ошуфтаси, билимдон ва адабиётсевар ўқувчи сифатида ҳурмат қилишади.

Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиши бўлими қошида хассос шоир Абдулла Нисорий раҳбарлигидаги «Чашма» адабиёт тўгарагига уюшган 40 нафардан ортиқ назм ва наср шайдолари сингари Зарнигор Жабборова ҳам ўқишидан бўш пайтларида инжудекпокиза кўнгил изҳорларини оптоқ қоғозга тўкишига, юрагида жўш ураётган ҳис-туйғуларини бадиий ифодалашга интилиб, бинойи-деккина шеърлар ёзмоқда.

Зарнигор туман ва вилоят миқёсида ўтказиб келинаётган «Нафосат» кўрик-танловларининг доимий иштирокчиси. У ижоднинг машаққатли синовларидан муваффақиятли ўтиши учун мактабда олаётган билимларини синфдан ва мактабдан ташқари қўшимча сабоқлар билан мустаҳкамлашга интилаётir.

Келгусида яхши ижодкор бўлишга орзуманд қизимизга оқ йўл тилаймиз.

Тугалбой **МУЗАФФАРОВ,**  
ёзувчи



## ВАТАН

Томиримда урган қонсан, Ватаним,  
Танамда барқ урган жонсан, Ватаним.  
Қалбимни яйратган шонсан, Ватаним,  
Фазилат, шукуұға бойсан, Ватаним.  
Вужудим, рухимсан, бор-у йүғимсан,  
Онамдек муқадdas ҳам улугимсан.  
Мусаффо осмонда тонг юлдузимсан,  
Танамда барқ урган жонсан, Ватаним.  
Ҳар зарра тупроғинг күзга тутиё,  
Илм-фан булоқлари қўзимга зиё.  
Пойингга тиз чўкиб қиласай илтижо,  
Маккай Мадинам, жоним Ватаним.  
Қаҳратон қишдаги бўронларингни,  
Чўлларда саргардон шамолларингни.  
Заминингда унган гиёҳларингни,  
Бағрингда яшовчи жонзотларингни —  
Юрагимга кўмай, меҳримни ўраб,  
Пойингга йиқилиб, тизга урай лаб.  
Онамдек муқадdas замин, Ватаним,  
Жаҳонда тенгсизим, шоним Ватаним!

## ЎЗБЕКИСТОН

Ибо-ю ҳаё бор ўзбек қизида,  
Ор, номус, фуур бор ўзбек ўғлида.  
Зинҳор кўз тегмасин шундайин юртнинг,  
Мустақил, ҳур, озод фарзандларига.  
Боғларидан анқир жаннат ҳидлари,  
Булоқлардан оқар зилол сувлари.  
Жаҳонларда тенгсиз бўлган Ватаним,  
Гуллаб-яшна Ўзбекистон, она юртим.



Юрагимда бир ўй, шукуҳ мужассам,  
Сени жондек асраб-авайлагайман.  
Дилимда меҳрингни туғиб доимо,  
Фарзандлик бурчимни мен оқлагайман.  
Онажоним берган оқ сут мисоли,  
Она-Ватан, менга берган меҳрингни.  
Дилим тубидаги гавҳар мисоли,  
Мудом асрагайман, авайлагайман.  
Жаҳонларга достон бўлган номингни,  
Довруғинг, шукуҳинг, истиқболингни —  
Кўзим гавҳаридай асраб, авайлаб,  
Порлоқ эртанг учун ҳисса қўшгайман.

### ЎЗБЕК ҚИЗИ

Мен ўзбек қизиман, ҳур ва бахтиёр,  
Мен обод юртимнинг эрка қизиман.  
Бугун қўш қанотим — Ватан, юртбошим,  
Жаҳон минбаридан янграп овозим.  
Ўзбегим полвони узоқ юртларда,  
Ўзбек мадҳиясин донғин тараттан,  
Юксак чўққиларни забт этиб унда,  
Дунё нигоҳини бизга қаратган.  
Жаҳон лолдир бугун ўзбек қизининг,  
Билими, санъати, иқтидорига,  
Тўмарис, Нодира, Зулфияларга,  
Муносиб ворислар, издош борига.

### ШУКРОНА

Оллоҳим, мен сенга айтай шукронा,  
Шу она заминга келганим учун.  
Онажон, мен сенга айтай шукронा,  
Кўз очиб дунёни кўрганим учун.



Отажон, мен сизга айтай шукрона,  
Хаёт нелигини билганим учун.  
Устозларим, сизга айтай шукрона,  
Илм-у фан сирларин уққаним учун.  
Шу мусаффо осмон, тинч ҳаёт учун,  
Заминда унувчи ҳар гиёх учун.  
Юртимни бошқарган юртбошим учун.  
Ватанни асраган посбонлар учун,  
Элим деб ёнувчи юраклар учун,  
Мен сенинг қошингда эгиб бошимни,  
Юз бора, минг бора айтиб шукрона,  
Кўзим қарогида асрай Ватанни.  
Толеим күёши мангуга балқиб,  
Сенга бор меҳримни берай, Ватаним.  
Фидойи, заҳматкаш, эй, буюк халқим,  
Сенга фило менинг жон ила таним.

## ОНАЖОН

Илк бор кулганимда қувонганим сиз,  
Мен дард чекканимда ғам чекканим сиз.  
Илк бор юрганимда қувончга тўлиб,  
Қоқилган пайтимда турғизганим сиз.  
Тенги йўқ, муқаддас дур, гавҳаримсиз,  
Онаジョン, сиз менинг суюнчиғимсиз.  
Мен ўсдим, улғайдим, ўспирин бўлдим,  
Ҳаётда яхши-ю ёмонни билдим.  
Гоҳ ғамгин, гоҳ қувноқ ҳаёт йўлидан,  
Юриш-чун энди мен йўлга отландим.  
Тенги йўқ, муқаддас дур, гавҳаримсиз,  
Онаジョン, сиз менинг суюнчиғимсиз.  
Юрагим тўрини сизга бераман,  
Сўзларим сарасин сизга атайман.



Қалбимнинг қўри ҳам сизга баҳшида,  
Сўзимнинг навосин сизга атайман.  
Тенги йўқ, муқаддас дур, гавҳаримсиз,  
Онажон, сиз менинг суянчиғимсиз.

### **УСТОЗИМГА**

Меҳр тўла қалб билан,  
Билим бердингиз доим.  
Хато қилсак, кечириб,  
Сабр қилдингиз доим.  
Мана, ўсиб-улғайиб,  
Муносиб шогирд бўлдик.  
Меҳрибоним, устозим,  
Сизга мингдан-минг таъзим.

### **БИРИНЧИ ЎҚИТУВЧИМ**

Муштоқ боқиб йўлларингга,  
Мактаб томон чорлаган ким?  
Қалам бериб қўлларингга,  
«Алифбо»ни ўргатган ким?  
— Биринчи ўқитувчим!  
Қалбда меҳринг уйғотиб,  
Ватанни севдирган ким?  
Сабот солиб кўнглингга.  
Меҳнатни ўргаттан ким?  
— Биринчи ўқитувчим!  
Юрагимни ёндириб,  
Парвозларга чорлаган.  
Илҳом солиб кўнглимга,  
Ижод сари йўллаган —  
— Биринчи ўқитувчим!



## МУСТАҲКАМ ОИЛА

Отам менинг давлатим,  
Онам умрим савлати.  
Акам суюнган тоғим,  
Укажоним күрғоним.  
Опаларим күлимда,  
Бир даста райхонларим.  
Қавм-у қариндошларим —  
Дүст-у ёр, ошноларим,  
Дилкашим, дарддошларим,  
Мехрибон, сирдошларим.  
Юрагимнинг тубидан,  
Жой олган дилдошларим.  
Оиласиз, мустаҳкам,  
Таянч бўлган Ватанга.  
Жонингизга пайваста  
Бўлсин менинг жонларим.  
Озодлигим, ҳурлигим,  
Истиқболим, нурлигим.  
Шу эл, шу Ватанимга,  
Садқа бўлсин жонларим.

## БАҲОР

Ўлкамга келди баҳор,  
Уйғониш фасли келди.  
Қучоқ очиб навбаҳор,  
Келинчак мисли келди.  
Ҳаволар заҳрин сочган,  
Қуёш нурин обқочган.  
Булутлар кўз ёш қилган  
Қиши фасли ортда қолди.



Күёш заррин нурларин,  
Ҳеч аямай сочмоқда.  
Деҳқон бобо ер бағрин,  
Тилсимларин очмоқда.  
Униб чиқар ерлардан,  
Бизнинг ризқ-у рўзимиз.  
Баҳор берар бизларга,  
Бир йиллик насибамиз.

\* \* \*

Баҳор келди, очилди,  
Гул-чечаклар барчаси.  
Күёш кўқда қиздириб,  
Қолмади қор зарраси.  
Дараҳтларнинг куртаги,  
Чўзди митти қўлини.  
Табиат — ёш келинчак,  
Ёйди барча сепини.  
Оқшоми жуда ёрқин,  
Тарапар хушбўй ифор.  
Ҳавоси жуда майин,  
Осмон кўм-кўк, бегубор.  
Уйғониш фасли — баҳор,  
Ҳашамларнинг сервиқор.  
Нур сочиб сен дилимга,  
Кутлуғ келгин элимга.

## ДУНЁ

Бири камдир азалдан дунё,  
Сенга раҳм қилмайди асло.  
Юрагингда қувонч ва қайғу,  
Иккаласи ҳамроҳдир аъло.



Гар қувонсанг, албатта қайғу,  
Сени йўқлаб келар тўсатдан.  
Кувонч сени юпата бошлар.  
Қайғуларинг эзган фурсатда.  
Баъзан ғамдан ўртанар юрак  
Ташвишлардан ҳориб-толасан.  
Аслида-чи? Инсонга баъзан —  
Не керак деб ўйлаб қоласан...

### ҲАЁТ СИНОВЛАРИ

Дунёда бойлик баҳт дегани эмас,  
Молу зар ўткинчи, алдамчи дунё.  
Аслида хоҳ бой бўл, хоҳи камбағал,  
Ҳаётда ўз ўрнинг топганинг аъло.  
Ҳар бир банда хато қилар ҳаётда,  
Умримиз камчилик, нуқсадан иборат.  
Аммо, хатолардан чиқарсак сабоқ,  
Тўғри йўлимизга қайтиш осонроқ.  
Ҳаёт синовларин кечирган инсон,  
Ўткинчи ғамларни енгар ва чидар.  
Элим деб, юртим деб фидо этар жон,  
Омад, роҳат ва баҳт эшигин очар.

### ТИНЧЛИК

Қўлига «Эрк!», дея қуролин олган,  
Ўғли келиб қолар урушдан балким...  
Жигарбандларидан айрилиб қолган,  
Она сўроғини тингламаган ким?  
Вафодор келинчак ёрин кузатган,  
Ҳимоя қилмоқча она-Ватанни.  
Водариғ, жангтоҳлар домига ютган,  
Йитирма миллион курбонлар қани?



Хиёбон четида хотира-қадр,  
Номаълум жангчига қўйилган ҳайкал.  
Бунда ҳаловатсиз изғийди сабр,  
Фидойи ўғлонлар васлига маҳтал...  
Хотира — абадий, жасорат — мангу,  
Тинчликка пойдевор суронли онлар.  
Бугун ҳур ва шодон ҳар жонда кулгу,  
Юртга мустақиллик келди, ёронлар.  
... Номаълум жангчининг мардлиги, шони,  
Қўриқлар нотавон, нотинч дунёни.

## **СҮНГГИ ҚЎНФИРОҚ**

Чалинади сўнгги қўнфироқ,  
Юракларда қандайдир титроқ.  
Кўзларда-чи, йилтирайди ёш,  
Чалинмай тур, сўнгги қўнфироқ!  
Соат, сен ҳам тўхтагин бир зум,  
Ташлаб кетма мени йироқقا.  
Хайрлашиш қандайин оғир,  
Чалинмай тур, сўнгги қўнфироқ!  
Дўстлар билан ўтган тўққиз йил,  
Синфхоналар менга сирдошдир.  
Чидай олмам мен бу фироқقا,  
Чалинмай тур, сўнгги қўнфироқ!  
Бирга бўлдик қувонч, қайгуда,  
Устозларнинг олиб таълим мин.  
Ташаккурга сўз топай, бир зум,  
Чалинмай тур, сўнгги қўнфироқ!  
Устозларим, минг бор ташаккур,  
Хуш қол, мактаб, хуш қол, синфдош.  
Хайрлашмоқ онлари яқин,  
Чалинавер, сўнгги қўнфироқ!



## ТУШ

Тонгда салқын шаббода,  
Эсарди хушхол, майин.  
Рақсига бўлиб шайдо,  
Тераклар чалар найин.  
Қизгинанинг соchlари,  
Тебранар шамолдайин.  
Хаёллари чалкашиб,  
Сескантирап ёвдайин.  
Тунда кўрган тушларин,  
Шамолга айтар секин:  
«Олиб кетинг тушларим,  
Тушдаги қўрқинчларим»...

## АЛЛА

Тун ярмидан ошганда бешак,  
Туриб кетдим бугун бехосдан.  
Тебранарди фирчиллаб бешик,  
Алла айтар онам юракдан.  
Шу куй мени айлади шайдо,  
Бошим қайта қўйдим болишга.  
Осмондаги юлдузлар мисол,  
Яна кўзим кетди уйқуга.

## ТОПМАДИМ

Дарё кечиб, тоғ ошдим,  
Боғ-у роғларни кездим.  
Чўл-у саҳроинг севиб,  
Ўхшаши йўқлигин сездим,  
Сенинг каби, Ватаним.



Меҳмон келса эшикдан,  
Кўли кўксида бўлган.  
Борини тўкиб солган,  
Меҳмондўст халқ топмадим,  
Сенинг каби, Ватаним.  
Қилса тў-ю тантана,  
Кўчиб борар маҳалла.  
Кўнгли кенг, сифар ҳамма,  
Бағрикенг халқ топмадим,  
Сенинг каби, Ватаним.  
Бешигида боласи.  
Тунлар бедор онаси.  
Янграб турар алласи,  
Болажон халқ топмадим,  
Сенинг каби, Ватаним.



## Kampə

### ҮКИНЧ

Мана, оламни заррин нурлари ила чүмилтириб хузурбахш тонг отмоқда. Қишлоқнинг бир четидаги күёшга юз тутган уйнинг деразасидан ичкарига мўралаётган ёруғлик тўшакда ухлаб ётган 13 — 14 ёшлар чамасидаги кўҳликкина қизнинг юзларини сийпалаб ўтди. У уйғониб кетди. Аллақачон тонг отиб ултурганини кўриб, сапчиб ўрнидан турди. Шу пайт онасининг:

— Гулсанам, тур қизим, мактабингта кеч қоласан, — деган сўзлари эшитилди...

Қишлоқда баҳор ўз сепини ёйиб ултурган, атроф кўм-кўк либосга бурканган. Дараҳтлар гуллаб, барг ёзмоқда. Бу манзарапар кишига илҳом бахш этади. Мактаб биноси анча узоқда жойлашган, хилват йўл хушманзара дараҳтлар билан қопланган.

Дурбек ҳар нарсага қизиқувчан, зийрак бола эмасми, кета-кетгунча опасини саволларга кўмиб ташлади:

— Опа, нега дараҳтлар баҳорда гуллайди?

— Табиатнинг уйғониш фаслида дараҳтлар гуллайди, мева тугади, ёз ва кузда ҳосили пишибетилади,-деди опаси.

— Эй, опажон, табиат ҳам ухлайдими? - деди яна Дурбек.

— Ҳа, она табиат ҳам қишда уйқуга кетади, дараҳтлар ҳам дам олади, — деб жавоб берди Гулсанам.



Шу пайт улардан сал узоқроқда бир машина тұхтади.

Машина эшигидан яхшигина кийиниб олган бир амаки түшди-да, юхонани очди. Ундан иккита қопни олиб, йўл четига улоқтириди. Сўнгра машина-сига ўтириб, жўнаб кетди.

Гулсанам қоллар олдига келиб қараса, улар йиртилиб кетган, атрофга эса ифлос чиқиндилар сочилиб ётарди.

Буни кўрган укаси:

— Опажон, у ёмон амаки экан-а, унинг устози йўқми, унга атрофни тоза сақлашни, қишлоқни ободонлаштиришни ўргатмаганми? — дея чулдирай кетди.

Гулсанам эса қуни-кеча синфдошлари билан биргаликда устози бошчилигига йўл чеккаларини, ариқларни тозалаб чиққанликларини эслаб, юрагида аллақандай бир ўқинч сезди.

Эҳ, амаки, амаки, наҳотки сиз шу мурғак укам-чаликҳам фикрлай олмасангиз, — деб куйинди.

## МУНДАРИЖА

Йўлинг ойдин бўлсин!	3
Ватан	4
Ўзбекистон	4
Ўзбек қизи	5
Шукронা	5
Онажон	6
Устозимга	7
Биринчи ўқитувчим	7
Мустаҳкам оила	8
Баҳор	8
Дунё	9
Ҳаёт синовлари	10
Тинчлик	10
Сўнгги қўнғироқ	11
Туш	12
Алла	12
Топмадим	12
Ўкинч	14

Адабий-бадиий нашр

Зарнигор ЖАББОРОВА

## МЕН ЎЗБЕК ҚИЗИМАН

(Шеърлар)

Тошкент – «Истиқлол» – 2013

<i>Муҳаррир</i>	<i>Ф. Рассоқова</i>
<i>Рассом</i>	<i>Х. Ёкубов</i>
<i>Мусаххид</i>	<i>Н. Атабоева</i>
<i>Саҳифаловчи</i>	<i>С. Пўлатов</i>

Лицензия рақами AI № 217. 03.08.2012 й. Босишига рухсат этилди 18.04.2013 й. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>. Шартли босма табоги 1,0. Адади 100 нусха. Офсет қофози. Буюртма № 15.

«ISTIQLOL NASHRIYOTI», Тошкент ш., 100129, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел: 244-94-36, факс 244-51-98. E-mail: rojpoligraf71@yahoo.com.

«ISTIQLOL NASHRIYOTI» матбаас бўлимида чоп этилди. Тошкент ш., 100129, Навоий кўчаси, 30-уй.